
ФУҚАРОГА ЕР ҚОНУНИЙ АЖРАТИЛГАН?

Ижтимоий тармоқларда “Фарғона вилояти Риштон тумани Ёйилма қишлоғи Тўлқин маҳалласидан ёзмоқдамиз. Туман ИИБ масъул ходими 9 гектар ерни акаси номига ҳужжатлаштириб боғдорчилик қияпти. Унга ер қонуний ажратилганми? Ваколатли идоралар ҳолатни ўрганса бўларди”, деган мурожаат эълон қилинди. Ушбу мурожаат юзасидан туман ҳокимлиги ўрганиш олиб борди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, мурожаатда тилга олинган 9 гектар ер майдони қаровсиз ҳолда бўлиб, 2018 йилда аукцион орқали сотувга қўйилган ва фуқаро Тешабоев Шухратжон аукцион ёлиби сифатида ерга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган. Ушбу фуқарода ерга эгалик қилиш ва боғдорчилик қилиш учун вилоят ва туман ҳокимининг қарори мавжуд. Ваколатли органлар олдин ҳам бу борада ўрганишлар олиб боришган.

2021-08-20 18:13:45